

- корхонада экологик харажатларни молиявий қарорлар қабул қилишга интеграция қилиш орқали барқарор бизнес амалиётларини рағбатлантириш имкониятини яратади;

- экологик таъсир ва барқарорлик ташаббуслари ҳақида батафсил маълумот берадиган барқарорлик ёки экологик ҳисоботларни ишлаб чиқиш, шунингдек, интеграциялашган ҳисоботларни умумий ишлашнинг тўлиқ кўринишини таъминлаш учун молиявий ва экологик кўрсаткичларни битта ҳисоботда бирлашувига олиб келади.

Демак, яшил бухгалтерия ҳисоби (ҳисоб сиёсати) корхоналар бизнес фаолияти билан боғлиқ экологик харажатлар ва фойдаларни тўлиқ тушунишни таъминлаш орқали самарали бошқарув қарорларини қабул қилишга таъсир қилади. Бу эса корхоналарга кўпроқ маълумотларни ва барқарор бўлган танловларни амалга ошириш, хатарларни самарали бошқариш, рақобатдошликни таъминлаш ва манфаатдор томонларнинг талабларини қондириш имконини беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 4611-сонли қарори. 2020 йил 24 феврал. (3-банди) <https://lex.uz/docs/4746047>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 январдаги “Ўзбекистон-2030” Стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “Яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисидаги” ПФ-16-сон фармони. <https://lex.uz/uz/docs/7369703#7371601>

3. 8-сон Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти. *Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар*. Расмий таржима. 2022 йил.

4. Халилов Ш. “Ўзбекистонда яшил бухгалтерия ҳисоби: зарурат, муаммолар ва имкониятлар”. Scientific Journal of “International Finance & Accounting” Issue 3, June 2024. ISSN: 2181-1016.

## **НАТИЖАГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН БЮДЖЕТЛАШТИРИШДА РАҚАМЛАШТИРИШДАН ФОЙДАЛАНИШ**

**Примова Нигора Икром қизи**

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети*

*Молия ва молиявий технологиялар*

*кафедраси доценти, PhD.*

**Аннотация:** Иқтисодиёт ва давлат бошқарувининг рақамли трансформацияси шароитида натижага йўналтирилган бюджетлаштириш (НЙБ) бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий воситасига айланмоқда. Бюджетлаштириш жараёнларига рақамли технологияларни жорий этиш нафақат кундалик операцияларни автоматлаштириш, балки қабул қилинаётган қарорларнинг шаффофлиги,

аниқлиги ва асослилигини ошириш имконини беради. Мақолада НЙБни рақамлаштиришнинг асосий жиҳатлари кўриб чиқилади, замонавий технологияларни жорий этиш билан боғлиқ афзалликлар ва муаммолар таҳлил қилинади, шунингдек, ушбу йўналишни янада ривожлантириш бўйича тавсиялар берилади.

Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш (НЙБ) — бу давлат солиқ тўловчиларнинг пул-молиявий ресурсларини самарали ва муайян натижаларга эришиш учун ишлатишини таъминловчи бюджет сиёсатининг муҳим воситасидир. НЙБ давлат миқёсида ресурсларни самарали тақсимлаш, маъсулиятни ошириш, Сохта ва самарасиз харажатларни камайтириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш самарадорлигини таъминлаш, иновация ва янгиликларни қўллашни рағбатлантириш, ижтимоий адолатни таъминлаш ва аҳолининг турмуш даражасини оширишга хизмат қилади.

НЙБ давлатларнинг молиявий ресурслари чекланган, аҳолининг эҳтиёжлари эса ортиб бораётган бир шароитда, бу муаммоларни бартараф этиш учун зарур воситадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармони, 46-мақсадида “Фискал барқарорликни таъминлаш ва давлат мажбуриятларини самарали бошқариш” белгиланган. Ушбу мақсадга эришиш учун 5 та самарадорлик кўрсаткичларидан бири 2030 йилгача “Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш” амалиётига тўлиқ ўтиш кўзда тутилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясининг асосий мақсадларидан бири бу ўрта муддатли бюджет асосларини ишлаб чиқиш ҳамда йиллик бюджетни шакллантиришнинг янги “натижага йўналтирилган бюджет” (Дастурий бюджетлаштириш) тизимини жорий этиш ҳисобланиб, мазкур мақсад бўйича қуйидагилар амалга оширилди.<sup>2</sup>

Юқоридаги ҳолатлар тадқиқотнинг долзарблиги ва бу борадаги илмий изланишларнинг муҳимлигини белгилаб беради.

Натижага йўналтирилган бўйича илмий тадқиқотлар ва уни амалиётга жорий этиш борасида ҳам АҚШ етакчи ўринда туради. Роберт Дитрих Бен тадқиқотларига кўра, натижага йўналтирилган бюджетлаштиришнинг асосий вазифаси давлат ташкилотларининг масъулиятини ошириш ва натижаларга эришиш учун аниқ кўрсаткичлар (KPI) орқали самарадорликни баҳолашдан иборатдир. Бюджетлаштириш жараёнида мақсад ва натижаларга қаратилган ёндашув нафақат молиявий ресурсларни тақсимлашни, балки ташкилотлар фаолиятини стратегик режалаштиришни талаб қилади.<sup>3</sup> Аарон Уилдевский давлат бюджетлаштириш жараёнини ўрганиб, натижага йўналтирилган бюджетлаштиришнинг асосий камчилиги унинг қўлланилишидаги қийинчиликлар эканини таъкидлаган. Масалан, натижаларни аниқ

баҳолаш учун зарур бўлган маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш катта харажатларни талаб қилади. Шунга қарамай, у ушбу ёндашувнинг давлат бошқарувида шаффофлик ва ҳисобдорликни оширишда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлайди.<sup>4</sup>

Баъзи бир тадқиқотчилар НЙБда натижаларни аниқлаш ва баҳолаш мезонларини яратишнинг қийинчиликларини ҳам муҳокама қилишади. З.А.Эльтекова таъкидлаганидек, кўп ҳолларда давлат ташкилотлари ўз фаолиятини натижалар эмас, балки жараёнлар бўйича баҳолайдилар. Бу эса НЙБ концепциясининг асосий мақсадларига эришишга тўсқинлик қилади.<sup>5</sup> Биз ўз тадқиқотларимизда бюджетни шакллантириш ва ижро этишга янги ёндашув бўлган НЙБ тизимида давлат сиёсатининг аниқ белгиланган мақсадлари ва устувор йўналишлари асос бўлиб, давлат бюджети харажатлари давлат фаолиятининг аниқ ва ўлчанадиган натижалари билан боғлиқ бўлиши керак. НЙБнинг бир модели сифатида давлат бюджети харажатларини режалаштириш ва тақсимлаш харажатлар турлари бўйича эмас, балки мақсадлар, вазифалар ва ўлчанадиган кўрсаткичларни ўз ичига олган дастурлар бўйича амалга оширилади. Бюджет ижроси белгиланган мақсадлар ва олинган натижаларга эришиш нуқтаи назаридан баҳоланади деган фикрни баён этганмиз.<sup>6</sup>

Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш бюджет ресурсларини бошқариш методологияси бўлиб, унда аниқ ижтимоий-иқтисодий натижаларга эришишга эътибор қаратилади. Рақамли иқтисодиёт шароитида НЙБга анъанавий ёндашувлар модернизацияни талаб қилади, бу эса маълумотларни қайта ишлаш жараёнларини тезлаштириш, прогнозлаш аниқлигини ошириш ва бюджет маблағларини янада мослашувчан бошқаришни таъминлаш зарурати билан боғлиқ.

НЙБни рақамлаштириш катта маълумотлар (Big Data), сунъий интеллект (SI), блокчейн, булутли ҳисоблаш ва таҳлилий платформалар каби технологиялардан фойдаланишни ўз ичига олади. Ушбу технологиялар нафақат бюджетни режалаштириш ва ижро этиш жараёнларини оптималлаштириш, балки ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини чуқурроқ таҳлил қилиш имконини беради.

НЙБни рақамлаштиришнинг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат:

- маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш жараёнларини автоматлаштиришда рақамли технологиялар турли манбалардан, жумладан, давлат ахборот тизимлари, очиқ маълумотлар ва ташқи ташкилотлардан маълумотларни тўплашни автоматлаштириш имконини беради. Натижада ҳисоботларни тайёрлаш вақтини сезиларли даражада қисқартиради ва таҳлилнинг аниқлиги ошади;

- катта маълумотлар ва сунъий интеллектдан фойдаланишда катта маълумотлар ва сунъий интеллект улкан ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қилиш, яширин қонуниятларни аниқлаш ва бюджет дастурлари натижаларини башорат қилиш имконини беради. Масалан, машинали

ўқитиш ёрдамида тарихий маълумотлар асосида у ёки бу лойиҳани амалга ошириш самарадорлигини башорат қилиш мумкин;

- шаффофликни ошириш учун блокчейндан фойдаланишда бюджет харажатлари тўғрисидаги маълумотларнинг шаффофлиги ва ўзгармаслигини таъминлаш учун блокчейн технологиясидан фойдаланиш мумкин. Натижада коррупцияга қарши курашиш, фуқаролар ва бизнеснинг ишончини оширишда имкони яратилади;

- ҳамкорликда ишлаш учун булутли платформалардан фойдаланиш бюджет жараёнида иштирок этувчи турли идора ва ташкилотларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш имконини беради. Натижада самарали ўзаро таъсир ва ҳаракатларни мувофиқлаштириш имкони яратилади.

НЙБни рақамлаштиришнинг афзалликлари қўйидагилардан иборат: бюджет қарорларининг аниқлиги ва асосланганлигини ошириш; маълумотларни тайёрлаш ва таҳлил қилиш вақтини қисқартириш; бюджет жараёнининг шаффофлиги ва ҳисобдорлигини ошириш; ташқи муҳит ўзгаришларига тезкор жавоб бериш имконияти ва кўрсатилаётган давлат хизматлари сифатини яхшилаш.

НЙБни рақамлаштириш баъзи бир муаммоларга ҳам олиб келади. Улардан, инфратузилма ва ходимларни ўқитишга катта сармоя киритиш зарурати, маълумотларни ҳимоя қилиш ва киберхавфсизлик билан боғлиқ хавфлар, ходимлар ва раҳбариятнинг янгиликларга қаршилиги, янги технологияларни мавжуд тизимлар билан интеграциялаш жараёнидаги муаммоларини санаб ўтиш мумкин.

Ўзбекистонда натижага йўналтирилган бюджетлаштириш тизимининг жорий этилиши ижобий натижаларни бермоқда. Бирок, бу жараённинг тўлиқ ривожланиши учун янги усулларни жорий этиш, ходимларнинг малакасини ошириш ва қонунчилик базасини такомиллаштириш зарур. НЙБнинг ривожланиши Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларида самарадорликни оширишга хизмат қилади.

НЙБни рақамлаштиришни ривожлантириш учун давлат даражасида бюджет жараёнини рақамлаштиришнинг ягона стратегиясини ишлаб чиқиш, ҳамда замонавий технологиялар билан ишлай оладиган кадрларни ўқитиш ва қайта тайёрлашга инвестиция киритиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. <https://lex.uz/docs/4966572>
2. Rethinking Democratic Accountability. By Robert D. Behn. Washington, DC: Brookings Institution Press, 2001. 317p.
3. Wildavsky, Aaron, and Naomi Caiden. The New Politics of the Budgetary Process. HarperCollins, 1988.
4. Эльтекова З.А. Бюджетирование, ориентированное на результат, в сфере науки и инноваций/, З.А. Эльтекова, А.О. Ладный, В.В. Гольберт, В.А. Шарапов. [Электронный ресурс]. URL.: <http://bujet.ru/article/77758.php>.

5. Примова Н. Натижага йўналтирилган бюджетлаштиришнинг назарий асослари. “Moliya bozorini rivojlantirishning ustuvor yo‘nalishlari, zamonaviy tendensiyalari va istiqbollari” mavzusidagi III respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi 29 mart 2024 й.

## **АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ТЕОРИИ ФИНАНСОВЫХ РЫНКОВ**

**Каюмов Равшан Исмаилович,**  
*Центр исследования проблем приватизации и  
управления государственными активами при  
Агентстве по управлению государственными  
активами Республики Узбекистан, к.э.н.*

Финансовый рынок играет значительную роль в движении денежного капитала обеспечивающего экономический рост. Однако важнейшие аспекты формирования и развития этого рынка как целостной системы не получили должного освещения в научной литературе и сам рынок рассматривается фрагментарно с точки зрения банковского, страхового и инвестиционного сегментов. В тоже время высокая динамичность процессов протекающих на финансовом рынке обуславливает необходимость комплексного его рассмотрения с использованием системного подхода и разработкой необходимого понятийного аппарата и методологического инструментария.

Развитие финансового рынка во многом определяется уровнем разработанности его теоретических основ. С данной точки зрения актуальным является понимание сущности финансового рынка, а также внесение ясности в вопрос: какие рынки являются финансовыми и в чем заключаются их отличительные признаки от других рынков.

Изучение научной литературы по данной теме показало, что все существующие подходы ученых экономистов к определению сущности финансовых рынков можно объединить в четыре основные группы: исходя толкования финансов как экономической категории; исходя из объектов торговли на нем; по его составу (сегментам); функциональный подход.

Обобщая исследования, представленных в литературе взглядов на сущность финансовых рынков можно сделать следующие выводы по ключевым составляющим признакам, формирующим это понятие:

1. Исходя из сущности финансового рынка как экономической категории, финансовыми рынками являются только те рынки, на которых обращаются (место встречи спроса и предложения) не просто деньги, а формируются и используются денежные фонды, или, как их еще трактуют, – финансовые ресурсы.

2. Объектами торговли (обмена) на финансовых рынках являются ликвидные активы в форме финансовых инструментов, которые реализуются через рыночную инфраструктуру, включающей